**Ушбу сонда:**

2 ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК
долзарб муаммо ечими нимада?

3 МАЛАКАЛИ КАДРЛАР - АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ

4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 4 январ, шанба № 3 (1428)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЧЎЛГА СУВ КЕЛДИ

Қизилтепа туманидаги «Тошробод» ҳамда «Маликчўл» ширкат хўжаликлари чўл ҳудудида жойлашгани боис шу пайтга қадар оқар сувга эҳтиёж катта эди. Янги йил арафасида чўлга сув келди.

Янги иншоотни Навоий шаҳридаги Жанубий саноат монтаж корхонаси ва Навоий сув қурилиши ҳиссадорлик жамияти қурувчилари бунёд этди. Улар олти ойда 3 минг 600 метрлик қувур ётқизиб, 2 минг метрлик канални бетонлади. Бу улкан иш учун бюджет ҳисобидан 126 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Канал ишга тушгач, тумандаги «Тошробод», «Маликчўл», «Ўзбекистон», «Тавовис» ширкат хўжаликларининг 2,5 минг гектардан ортиқ экин майдонлари сув билан тўла таъминланди.

(ЎзА).

*Касаба уюшма фаоллари ҳақида ҳикоялар*

## ТАШКИЛОТЧИЛИКДА ГАП КЎП

Избоскан туманининг қадимий Пойтуғ шаҳри ёнида жойлашган Абдусамад Тиллабоев номли ширкат хўжалиги водийдаги донгдор жамоалардан. Унга деҳқончилик илми билимдони Абдусамад ота узлуксиз 45 йил раислик қилган. Табаррук қариянинг вафотидан сўнг, 1986 йилдан буён ўғиллари, тажрибали аграном Алишер Тиллабоев раҳбар бўлиб ишлаяпти.

Хўжаликда бўлганимизда қишлоқ оқсоқоллари Йўлдошбой Қўчқоров, Усмонхон Худойбердиев, Бурхон Холматов, Мирзабой Расуловлар билан суҳбатлашиб қолдик. Қариялар аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб, хўжалик юксалишининг ойдин йўлига ўтганлиги, маҳалла ва гузарлар обод бўлиб бораётганлиги ҳақида фахрланиб сўзлаб бердилар.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Инобиддин Отақўзиев жамоа раҳбари билан бамаслаҳат иш тутади. Уни ижарачилар ва пудратчилар, маҳалла ва рилаларда учратасиз. Қалби жўшқин, камтарин бу инсон доимо одамлар ҳақида ўйлайди, улар ташвиши билан яшайди. Хўжалик миришкорлари Андижон технологияси самарадорлигини амалда намойиш этдилар. 1367 гектар экин майдонининг 787 гектарида ғўза ўстирилади. Ўтган йили 3824 тонна пахта етиштирилиб, ҳосилдорлик гектар бошига 48.6 центнерга етказилди.

— Эришилган ютуқлар меҳнат интизоми ва уюшқоқлик мустаҳкамлиги, тежамкорликка қатъий амал қилинганлиги натижасидир,- дейди касабақум раиси.— Жамоа шартномасидаги бандлар асосан бажарилди.

Иқтисодий самарадорлик фаровонликни таъминламоқда Пахтачиликнинг ўзидан 551 миллион сўм даромад олинди. Шундан соф фойда 155 миллион сўмни ташкил этди. Ҳамма тармоқлардан 860 миллион сўм даромад қилинди. Рентабеллик даражаси пахтачиликда 28.2, ғалла-чиликда 38.8 фоизга тўғри келди.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, қурилиш-ободончилик ишлари кенг йўлга қўйилган. 2 та мактаб ва 2 та боғча ҳомийликка олинган. Чойхона, ошхона, клуб, кутубхона, қассобхона, сартарошхона ишлаб турибди. «Оқ олтин», «Даминбойчи», «Янгиобод», «Қўшкўприк» гузарлари барпо этилган. Йил давомида ишчиларга хўжалик ҳисобидан 8 миллион сўмлик иссиқ овқат тайёрланди. Оталикдаги ташкилотларга 12 миллион сўмлик, тумандаги спорт мактабларига 2 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Кам даромадли оилаларга 59 тонна ўсимлик ёғи, 1376 тонна дон тарқатилди. Қишлоқларда истиқомат қилаётган кам таъминлаган оилалар, ногиронлар, уруш қатнашчилари алоҳида меҳрибонлик билан қуршаб олинган.

Илғорлар тажрибаси оммалаштирилаяпти. Усмонжон Худойбердиев бошлиқ бош пудратчилар ҳосилдорликни гектар бошига 62 центнерга етказиб, пахтачиликнинг ўзидан 50 миллион сўм даромад қилди. Ҳар гектар майдондан 93 центнердан дон етиштирган ғаллакор Салоҳиддин Абдураҳмонов 12 миллион 648 минг сўм даромад олишга эришди. Махмуджон Тожиддинов, Мўминжон Абдуллаев, Бобирбек Ҳомидов, Муҳаммаджон Пирматов, Шокиржон Эргашев каби бош пудратчилар ҳам қўлга киритган муваффақиятлари эвазига катта иқтисодий фойда олдилар.

Тажрибали чорвадор Қобилжон Жабборов раҳбарлик қилаётган чорвачилик мажмуасида 932 бош қорамол, 280 бош соғин сигир, минг бошдан ортиқ қўй-қўзи парваришланмоқда. Чорвадорлар ўтган йили 15 миллион сўм соф фойда олишди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Тажриба, ташаббус*

***Бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда халқ фаровонлигини юксалтириш, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат муносабатларини шакллантириш ва муҳтож оилалар манфаатларини муҳофазалашда ибратли ишлар амалга оширилаяпти.***

## МИРИШКОРЛАР ЎЗ ЖАМОАСИГА ҚАЙТИШДИ

Ўз атрофига 17 минг 950 нафар аъзони бирлаштирган 27 та бошланғич ташкилотларда иш берувчилар билан жамоа шартномалари тузилган. Унда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёш болали ҳамда кўп фарзандли аёлларга шарт-шароитлар яратиш, иш ҳақи ва нафақаларнинг вақтида тарқатилиши, ногирон ва кам таъминланган оилаларга бериладиган ёрдам каби ҳаётий масалалар акс эттирилган.

Ўтган давр ичида ходимларнинг маошларини ўз вақтида тўламаган «Туркистон», «Деҳқонобод», «Ўзбекистон», «Соҳибкор», Имом ал Бухорий, Неъмат Азимов номли ширкат хўжаликлари, Пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарларига тақдимномалар киритилди.

Иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бораётган туман меҳнаткашлари дон, пахта тайёрлаш шартнома режаларини ошириб адо этдилар. Бу эса ўз навбатида ишловчиларни моддий рағбатлантириш имконини берди. Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг самарали ишлашлари учун қулайликлар яратилди. Машина-трактор парклари техника хавфсизлиги бўйича ўқувлар ўтказилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган меҳнат муҳофазаси комиссиялари қонунларнинг бажарилиши, иш ва дам олиш вақти, хотин-қизлар ва ёшлар меҳнати, ишлаб чиқаришда жароҳатланишлар ва касб касалликларига чалинишининг олдини олиш бўйича жамоат назоратини олиб бораяпти.

2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан миллий қадриятларни, инсоний урф-одатлар ва фазилатларни сақлаш ва асраб-авайлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Ана шу дастурга мувофиқ қишлоқ ва маҳаллаларда «Уч авлод учрашуви» ташкил этилди. Муҳтожларга 600 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

Қўмитага «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзолари О.Қучқоров, А.Неъматов, О.Ёлғошевлар ноқонуний ишдан бўшатилганликлари хусусида мурожаат қилган эдилар. Касаба уюшма қўмитаси аралашуви билан улар ўз ишларига тикланди. «Самарқанд» ширкат хўжалигида яшовчи бир гуруҳ аёлларнинг иш ҳақи ва нафақаси ундириб берилди.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида Пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти, Неъмат Азимов номли ва «Самарқанд» ширкат хўжаликлари касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидан ўрнак олса арзийди. Юқорида номи тилга олинган жамоаларда ёшларни соғломлаштиришга 3 миллион, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга 2 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Бугунги қишлоқ аҳли иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаган, ҳисоб-китобли, меҳнати самарадорлигидан обрў-эътибор орттирган фидойи кишилар. Шу боис, касаба уюшмалари фаолиятини жамиятда юз бераётган демократик жараёнлар билан уйғунлаштириб олиб боришлари керак.

**А.НЕЪМАТОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Пайариқ туман қўмитаси раиси.**

## МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА

Тошкентдаги Антонина Хлебушкина номли 21-меҳрибонлик уйида ўтказилган арча байрамида болалар эртак қаҳрамонлари Қорбобо ва Қорқиз билан учрашиб, улардан хилма-хил совғалар олишди.

Ҳозир ушбу даргоҳда олти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган 75 нафар болалар тарбияланмоқда. Ўтказилган байрам тадбири барча ўғил-қизлар учун қувонч олиб келди. Турли-туман қўшиқлар ва рақслар ижро этилди. Қорбобо ва Қорқизнинг чиқиши эса, болажонларга олам-олам завқ бағишлади. Тарбияланувчилар томонидан тайёрланган саҳна кўриниши намойиш этилди. Айтиш керакки, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари турли жиноий ишлар, ичкилик ва гиёҳвандликка берилиб ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган инсонларнинг фарзандлари ҳисобланади.

лари давом этмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши томонидан болажонларнинг байрам тадбирларини зўр хушнудлик билан ўтказиш мақсадида 300 нафарга яқин фарзандларимизга совға-саломлар улашилди. Шу билан бирга «Меҳрибонлик уй»лари, мактаб интернатлар тарбияланувчиларига байрам совғалари ташкил этилди.

***Суратларда: Ангрен шаҳридаги 34-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокидаги байрам тантаналари.***

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

## «ОТОЙЎЛ» ҚИШЛОҚ ЙЎЛЛАРИДА

Жиззахдаги «Ўз-Эксайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг автобус саройи янги йил бошида «Самкочавто» заводидан йигирманчи «Отойўл» автобусини сотиб олди.

Эндиликда «Ўз-Эксайд» автобусларини вилоятнинг барча қишлоқ йўлларида учратиш мумкин. Дастлаб Жиззах шаҳри, Мирзачўл, Бахмал, Зомин туманлари йўналишлари бўйича қатнаган автобуслар байрам арафасида вилоятнинг энг олис тоғ қишлоқларидан бири - Қораабдол аҳолисига ҳам хизмат кўрсата бошлади.

«Отойўл»нинг мунтазам қатнови туфайли олис қишлоқлар аҳолиси ҳам вилоят марказига қийинчиликсиз келиб-кетиш имкониятига эга бўлмоқда. Янги йилда вилоятда ушбу русумдаги автобуслар қатнови янада кенгайтирилади.

*Наманган янгиликлари*

## ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТЕХНИК МАРКАЗИ

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини аҳоли, ишчи-хизматчилар, талаба ва ўқувчилар ўртасида янада кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида Наманган вилояти Ёнғинга қарши кураш бошқармаси қошида «Ёнғин хавфсизлиги техник маркази» ташкил этилди.

Марказда соҳа тарихи, ёнғин хавфсизлигини ташкил этиш, офатнинг келиб чиқиш сабаби ва оқибатлари, бахтсизликни бартараф этиш, ўт ўчириш техникалари ва воситалари каби бўлимлар мавжуд.

Айни кунларда марказга вилоятдаги халқ хўжалиги тармоқларининг ишчи-хизматчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва мактабларнинг ўқувчилари ташриф буюриб, кўргазма билан танишмоқдалар ҳамда ёнғин келиб чиқиши хавфсизлигининг олдини олиш йўл-йўриқларини ўрганмоқдалар.

## ТАДБИРКОР БЕКАТ ҚУРДИ

Яқинда Поп туманининг Ғурумсарой қишлоғида тадбиркор Бахтиёр Бойназаров шахсий жамғармаси ҳисобига бекат қурди. 3,5 миллион сўм маблағ сарфланган ушбу гузарда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Озиқ-овқат, салқин ичимликлар, гўшт дўкони, мўъжазгина чойхона одамлар хизматида.

## БИЛИМ ЮРТИ КОЛЛЕЖГА АЙЛАНТИРИЛДИ

Қишлоқ хўжалигимизнинг чинакамига замонавий агросаноат тармоғига айланиши бу соҳа ходимларининг билими ва ақл-заковатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу борада Наманган вилоятида катта ишлар қилинмоқда. Косонсой туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар билим юртининг коллежга айлантирилганлиги ҳам бунга мисолдир.

Энг аввало бинони ана шу мақсадга мослаштириш учун улкан ҳажмда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ишни 16-қурилиш масъулияти чекланган жамият жамоаси ўз зиммасига олди. Унга 3-, 5-қурилиш-монтаж бошқармалари, «Устакор Мирзо» фирмаси, 15-, 401-механизациялашган кўчма жамланмалари яқиндан ёрдам бердилар. Ниҳоят қурилиш-таъмирлаш ишлари муваффақиятли тугалланди. Бугунги кунда барча шарт-шароит яратилган ушбу илм-ҳунар масканида машғулотлар бошлаб юборилди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Тунги рейдларнинг бирида*

***Тунги рейд ниҳоясига етиб бораётганди. Унда иштирок этган Навоий вилоят солиқ ва божхона хизмати ходимлари энди тарқалишмоқчи бўлиб туришганида «Ургут-Қарнаб-Бухоро» йўналиши бўйлаб келаётган давлат рақами 20Е 94-85 бўлган автобус кўзга ташланди. Унинг кўриниши хароб эди. Деразаларигача лой сачраганлигидан салонда одам борйўқлигини билиб бўлмасди. Айланма йўлларда кўп қийналганга ўхшарди.***

## «ТИЖОРАТЧИ» АВТОБУС тўхтатилганда

Рейд қатнашчиларининг гумони тўғри чиқди. Автобус божхона масканини четлаб Бухоро томон отланган экан. Унга 18 нафар тижоратчига тегишли бўлган 50 турдаги 11,2 миллион сўмлик ҳужжатсиз товар бойликлари ортилган эди. Тижоратчилар бу товарларни Самарқанд вилоятининг «Ургут» бозоридан харид қилиб, энди устама нархларда сотиш учун Бухорога олиб кетишаётганди. Уларнинг бу хатти-ҳаракати Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли ва «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 295-сонли қарорлари талабларига зид эди. Ўтказилган суриштирув давомида 11 нафар фуқарога нисбатан маъмурий чора қўллашга, 7 нафар қонунбузарга нисбатан эса жиноят иши қўзғатишга тўғри келди.

Навоий вилояти солиқ ва божхона хизмати ходимларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан ўтган даврда ноқонуний тижорат ишлари билан шуғулланувчи 719 ҳуқуқбузардан 37 миллион сўмлик ҳужжатсиз чет эл маҳсулотлари олиб қўйилди. Шундан 586 ҳолат бўйича сохта тадбиркорлар 5,5 миллион сўмлик маъмурий жаримага тортилдилар. Мусодара қилинган товарлар эса сотиш учун махсус дўконларга топширилди.

Чирчиқлик Рустам Жожиев яширин даромад топишнинг бошқача йўлини «кашф» этган экан. У арзон гаровга кўтарасига сотиб олган винони шишаларга қуйиб «майдалаб» сотишни касб этиб олибди. Ўша куни харидор Александр Шарофиддиновга 3 литр қизил винони 1450 сўмга сотаётган пайтида қўлга тушди. Унинг хонадони кўздан кечирилганида яна 441 минг сўмлик вино бочкаларда ғамлаб қўйилганлиги аниқланди.

Қибрай туманида ҳам хуфя иқтисодиёт орқасидан «яйраб-яшнаётган» кимсалар йўли тўсилди. Улар Салар шаҳарчасида ноқонуний пиёз қуритиш цехи ташкил этиб жарақ-жарақ пулнинг тагида қолишган эди.

Цехда 4 киши фаолият кўрсатарди. Улардан фақат Темур Ахтямов тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга эди. Цех омборхонаси кўздан кечирилганида мижозларга жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган 250 килограмм тўғралган пиёз чиқди.

Пиёз қуритиш дастгоҳларининг ҳужжатлари сўралганда сохта тадбиркорлар бир-бирларига қараб қолдилар. Чунки «Ўздавстандарт» агентлиги ва Давлат санитария эпидемиология марказининг рухсатномалари йўқ эди. Шу ҳолат бўйича суриштирув ҳаракатлари бошланди.

Янгийўл туманида фаолияти тўхтатилган яширин совун цехи ташкилотчиси Мирзатолиб Мирзакаримов ҳам ҳозир тергов бериб юрибди. У ёғмой ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган чиқиндилардан қўлбола хўжалик совуни ишлаб чиқаришга киришган эди. Дастлабки ишлаб чиқарилган совунлар оёғи ерга тегмай сотилиб кетди. Шундан кейин Мирзатолиб ёлланиб ишловчилар сонини яна ҳам кўпайтирди. Бир неча кун ичида бозорлар ва аҳоли гавжум жойларни кўпирмайдиган «қора совун» босиб кетди. Туман солиқчилари ҳуқуқбузар тадбиркор изига тушиб, тезда уни фош этдилар. Охирги кун Мирзатолиб 300 та совунни сотувга тахт қилиб қўйган экан. Тайёр маҳсулот ҳам, совун ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналар ҳам далилий ашё сифатида олиниб, мусодара қилинди. Тўғри йўл қолиб эгри йўлга ўзини урганларнинг ҳоли шуда, дейишди маҳалладошлар.

**Жасур НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси.**

## МАҲАЛЛА ФАЙЗИ

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази пойтахт ҳокимлиги билан ҳамкорликда шаҳарнинг Олим Хўжаев маҳалласида «Обод маҳалла йили»га бағишланган тадбир ўтказди.

Унда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида кўплаб эзгу қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз, жумладан, ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели - маҳалла тизими тиклангани айни муддао бўлганини алоҳида таъкидлади. Жорий йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилингани эса фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама муҳофазалашни янада мустаҳкамлаш, маҳалланинг ҳаётимиздаги ҳамда ёш авлодни Ватанга садоқат ва муҳаббат, миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топтиришдаги ўрнини юксалтиришга қаратилгандир. Бу мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳозирги босқичига айниқса ижобий таъсир кўрсатади.

(ЎзА).

## Репродуктив саломатлик:

# СОҒЛОМ ОИЛА ҚУРИШ

### аҳамияти хусусидаги адабиётлар хонадонларга

Касаба уюшмалари тармоқ қўмитаси соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросига алоҳида аҳамият бераяпти.

Халқ саломатлигини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш, тиббиёт тармоқларини кенгайтириш, моддий-техникавий ускуналаш ва олиб борилаётган даволаш профилактика тадбирлари ўз самарасини бермоқда.

Мавжуд иккита репродуктив саломатлик маркази ходимлари соғлом авлодни шакллантириш, оилалар тиббий маданиятини ошириш, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини сақлашга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бормоқда. «Соғлом авлод учун», «Она ва бола» давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ўз натижаларини бермоқда.

Вилоят марказида янги туғруқхона ва ихтисослашган болалар шифохонаси ишга тушди, марказий касалхона қайтадан таъмирланди, ўнлаб қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди, «Она ва бола» скрининги маркази малакали мутахассислар билан мустаҳкамланди.

Аёлларда учрайдиган экстрагенитал хасталикларни аниқлаш ва даволанишнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Турли мутахассисликдаги шифокорлардан ташкил топган гуруҳ олис қишлоқларда бўлиб, аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

Бултур репродуктив соғлиқ ва соғлом авлодни шакллантириш мавзусида 800 дан ортиқ учрашувлар уюштирилди. Аҳоли ўртасида 5 мингдан зиёд маърузалар ўқилди. 22 мингга яқин брошюралар ва эслатмалар тарқатилди.

Вилоят адлия ва соғлиқни сақлаш бошқармаларининг қўшма қарорига мувофиқ янги оила қураётган ёшларнинг тиббий кўриги йўлга қўйилган. Ўтган йил давомида 1602 нафар йигит-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, маслаҳатлар берилди.

Соғлом бола туғилиши учун шарт-шароитларни яратиш ва репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш мақсадида зурёд ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Касалликлари аниқланган аёллар санаторий ва профилакторийларда соғломлантирилди.

Хомийлар ёрдамида соғлом оила қуриш, репродуктив саломатлик масалалари бўйича аҳолининг кенг доирасига, айниқса ёшлар ва ўсмирлар учун мўлжалланган китобчалар, плакатлар, бошқа кўргазмали қуроллар нашрдан чиқарилди.

Айниқса, қишлоқда тиббий хизматни яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 98 та қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Гурлан, Хонқа, Ҳазорасп туманларидаги даволаниш масканлари шулар жумласидандир. Қишлоқ шифо масканлари сув, газ, электр энергияси билан тўлиқ таъмин этилди, малакали тиббиёт ходимлари қулай иш жойларига эга бўлдилар.

Соғлиқни сақлаш тизимида ижтимоий ҳимояни талаб даражасида йўлга қўйиш учун 1 та тармоқ келишуви ва 78 та жамоа шартномалари тузилди. Уларда ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга қулай иш ва дам олиш шароитлари яратиш, ойлик маошларини вақтида бериш, моддий жиҳатдан рағбатлантириш, соғломлаштириш, меҳнат қонунчилиги бўйича имтиёзларнинг берилишини таъминлайдиган бандлар акс этган.

Оналик ва болаликни муҳофазалаш экологик вазият анча мураккаблашган Хоразм шароити доимий эътиборни тақозо этади. Шу боис, вилоятда чет эл инвестициялари иштирокида сифатли ичимлик суви таъминотини яхшилаш, қишлоқ хонадонларини газлаштириш чоралари кўрилаяпти.

**Б.МАТКАРИМОВ,**
**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят қўмитаси раиси.**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ

## самарадорлик омили

Аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида юртимизда замонавий технология билан жиҳозланган кўплаб кичик ва ўрта ҳажмдаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда. 1996 йилда исроиллик мутахассислар билан ҳамкорликда ишга туширилган «Сағбоннон» акциядорлик жамияти шулардан бири. Корхонада дастлаб 10 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқариларди. Орадан кўп ўтмай, ёрдамчи цехлар ишга туширилди. Ҳозирги кунда бу ерда 45 турдаги нон ҳамда қандолат маҳсулотлари аҳолига етказиб берилаётир. Бундан ташқари, қанд касаллиги бор беморлар учун парҳез нонлар ҳам тайёрланмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, маҳсулот тайёрлашда фақат юқори сифатли навлардан ва хориждан келтирилган хамиртуришлардан фойдаланилаётганлиги ҳам яхши натижа бераётир. Улар таркибида амилаз, аскорбин кислотаси каби шифобахш моддалар мавжуд бўлиб, маҳсулотнинг узоқ сақланишини таъминлайди.

Ҳозирда жамиятда 105 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилаётир. Уларнинг самарали меҳнат қилиши, ишдан сўнг дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, ишловчиларга дам олиш хоналари, тиббий пункт хизмат кўрсатмоқда. Ҳар 6 ойда ходимлар бепул тиббий кўрикдан ўтиб туришади. Барча ишчилар махсус иш кийимлари билан таъминланган. Бундан ташқари, уларга бепул тушлик ташкил этилган.

– Бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор беряпмиз, – дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Муяссар Қаюмова. – Хусусан, ишчи-ходимларнинг ойлик маоши ўртача 60 минг сўмни ташкил этиб, маошлар ўз вақтида бериб борилмоқда. Бундан ташқари, ходимларга меҳнат таътилига чиққанда қўшимча моддий ёрдам, ҳар бир нишонланадиган байрамда мукофот пуллари бериб борилади. Шу йилнинг ўзида ишчи-ходимларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадида 2,6 миллион сўм маблағ ажратилди. Бундай рағбат уларнинг меҳнатга муносабатини яхшилади.

Ишчи-ходимларнинг тўй-маъракаларида бош-қош бўлиниб, 50 минг сўмдан моддий рағбатлантирилади.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан жамоанинг 12 нафар кекса ходимига мурувват кўрсатилди. Уларнинг соғлиқларини тиклаш мақсадида «Настарин» санаторий-профилакторийсига юборилди. Бу тадбирга 450 минг сўм маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, туманда яшовчи бир гуруҳ қарияларга 800 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнат даргоҳида ишловчиларнинг 70 фоизини аёллар ташкил этади. Шу боисдан она ва бола саломатлигини муҳофазалашга жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, «Семашко» тиббиёт илмий-текшириш институти билан шартнома тузилиб, ишловчи аёллар ўз фарзандлари билан бирга даволанишлари учун маблағ ажратилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам саховат кўрсатиб келинаётир. Туманда яшовчи 4 нафар қария корхона қарамоғига олинган. Шаҳардаги ногиронлар техника билим юрти ва «Меҳрибонлик» жамиятига ҳам ҳар томонлама кўмак берилмоқда.

Жамият кўрсатаётган хайрия-тадбирлар бугина эмас. А.Икромов туманидаги 4 ва 245-мактаблардаги ошхоналар қайтадан қурилиб, янги, замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бунга 3 миллион сўм маблағ корхона ҳисобидан сарфланди. Ҳозирги кунда ўқувчилар иссиқ овқат ва нон, булочка маҳсулотлари билан таъминланаётир.

Корхона ўзининг кўплаб акциядорларига эга. Улар иштирокида бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида жамият бошқарувининг йиллик фаолияти юқори баҳоланди. Ҳар бир акцияга 679 сўмдан дивидент тўланди.

Корхона маъмуриятининг янги йилдаги иш режалари ҳам юксак. Хусусан, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, янги рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида саъй-ҳаракат олиб борилмоқда. Шу мақсадда, бу ерда қандолат маҳсулотлари тайёрлаш учун хорижий асбоб-ускуналар сотиб олиш режалаштирилмоқда.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Самарқанд вилоятидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акционерлик бирлашмаси ходимлари қабул қилинган пахта ҳосилидан сифатли уруғлик чигит тайёрлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Хусусан, Зирабулоқ, Катта-қўрғон, Митан ва Жомбой пахта тозалаш корхоналарида «Омад», «Оқдарё-6» каби навли пахтани қайта ишлаш натижасида олинган элита нави нафақат вилоят, балки Андижон, Фарғона ва қўшни Навоий вилоятларига ҳам етказиб берилмоқда.

***Суратларда: чигитни саралаш цехидан лавҳалар.***

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**



## *2003 йил – Обод маҳалла йили*

***Жиззах шаҳридаги «Олмазор» фуқаролар йиғинига тадбиркор Ғани ота Обидов раислик қилиб келмоқда. Маҳаллада 6 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.***

# ТАДБИРКОР РАИСНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

1997 йили ҳашар усулида маҳалла гузари қурилди. Бу ишда маҳаллада яшаётган тадбиркорлар катта ёрдам кўрсатишди. Қисқа муддатда гузарда мажлислар зали, тиббий хона, сартарошхона, радио-телевизор устахонаси, пойафзал ва тикув цехлари, қассобхона, дорихона, халқ банки бўлими, савдо дўконлари фаолият кўрсата бошлади.

Маҳалла ўз ҳисоб рақамига эга. Каттагина маблағи ҳам бор. Раиснинг елиб-югуриши туфайли 2 та трактор, 2 та тележка сотиб олинди. Айни кунларда ушбу техникалар ёрдамида маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилаяпти. Бундан бир неча йил муқаддам маҳалла ҳудудига 100 минг туп терак экилган эди. Ҳозирда бу тераклар қурилишбоп материал бўлиб қолди ва кам таъминланган оилаларга берилмоқда.

Маҳаллада 18 та кўча мавжуд бўлиб, ҳамиша саранжом-сариштa. Бу ерда «Энг намунали оила», «Энг намунали кўча» кўрик-танловлари ўтказиб турилганлиги боис сўнгги йилларда бирон бир жиноят содир этилгани йўқ. Кўча оқсоқоллари халқ посбонлари билан ҳамкорликда маҳаллада бегона кишиларнинг санқиб юришига йўл қўймаяпти. Тўй-маъракалар кам чиқим, ихчам ва файзли ўтказилишига эришилмоқда.

Фуқаролар йиғини раиси Ғани ота Обидов оиласи маҳаллада энг намунали ҳисобланади. У киши етти нафар фарзанднинг ҳаммасини уйли-жойли қилган. Ҳозирги кунда унинг 30 нафардан ортиқ невара ва чевараси бор. Бундан ташқари, Ғани ота тадбиркорлик билан ҳам шуғулланади. Бундан 5 йил бурун ота Жиззах шаҳрида «Фарҳод» хусусий савдо уйини қуришга киришди. Айни чоғда бу ерда 80 ўринли савдо расталари, 50 ўринли ошхона, новвойхона, мол сақлаш омборхонаси, дўконлар ишлаб турибди. У киши «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори, вилоят кенгаши депутати.

– Маҳалла гузарлари тарбия ўчоғидир, – дейди Ғани ота. – Шунинг учун бу ерда тарғибот-ташвиқот ишларини яхши йўлга қўйганмиз. Ҳар бир киши, хусусан, ёшлар, ўсмирлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз.

Юртбошимиз ташаббуси билан «2003 йил - Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Бу ташаббус бизни янада унумлироқ ишлашга, бир ёқадан бош чиқариб, фаол бўлишга ундамоқда.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## *Ижтимоий ҳимоя*

# БИР КОРХОНА АЁЛЛАРИ

Гўзал, навқирон Андижоннинг шимолий минтақасига йўл олсангиз, ўнг томонда катта корхонага кўзингиз тушади. Бу «Қўрғонтепа дон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятидир. – Корхонада 620 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилишади, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Миновархон Абдуллаева. – Шулардан 80 нафари аёллардир. Уларга алоҳида эътибор берилиб, иш соатлари қисқартирилган. Хусусан, ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий таъминоти яхши йўлга қўйилган. Ойлик маош ўз вақтида берилади. Дам олиш хоналари, тиббий пункт, спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Бундан ташқари, жамиятда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнатни рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш, ишчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Мисол учун ўтган йили касаба уюшма ҳамкорлигида иммиёзли йўлланма билан 15 нафар кекса ишчи «Чимён» сиҳатгоҳида даволаниб қайтишди.

**Ю.ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# АРЗОН НАРХЛАРДА

Янги йилолди қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмарка савдолари натижалари сарҳисоб қилинди.

Ташкилотчиларнинг маълумотига кўра, бир ҳафта давомида Андижон ва вилоятдаги бошқа шаҳарлар аҳолисига арзон нархларда 5 минг тоннадан зиёд сабзавотлар, картошка, полиз ва гўшт маҳсулотлари сотилди. Андижон вилояти қишлоқ хўжалик корхоналарининг Тошкентдаги ярмаркасида эса 315 тоннадан зиёд сабзавот ва мевалар ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотилди.

**"Туркистон-пресс"**

# ИШ ҲАҚИДАН

## долзарб муаммо

***Раёсат йиғилишида «Ўзпахтасаноат» уюшмасида, «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси тизимидаги тўқимачилик саноатида, «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси тизимидаги нефтни қайта ишлаш ва қурилиш корхоналарида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳаки ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш борасида касаба уюшма ташкилотлари ва хўжалик органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусидаги масала атрофлича, талабчанлик вазиятида кўриб чиқилди.***

Касаба уюшмалари қайд этилган тармоқларнинг мутасаддилари билан ҳамкорликда фаолият юритиб, иш ҳақидан қарздорликни тугатиш ва унга йўл қўймаслик юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Бу борада ишлаб чиқилган Ҳаракат тартиби амалиётга жорий қилинмоқда. Ходимларга иш ҳақини натура шаклида тўланишини тақиқлаш, тўланадиган иш ҳақининг таркибий қисмлари, ушлаб қолинадиган пул миқдорлари ва унинг асослари ҳақида ходимларни ёзма огоҳлантириш хусусидаги кўрсатмалар жойларга етказилган. Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбат таъминланган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткалари асосан қайта кўриб чиқилди ва жорий этилди.

Жойларда жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини ошириш, ички меъёрий ҳужжатларнинг талаб даражасида тузилишини таъминлаш, ишчилар тариф ставкаларига нисбатан тармоқ коэффициентларини қўллаш масалаларини ижобий ҳал қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Шунингдек, мақсадга эришишда касаба уюшма органлари томонидан маҳаллий ҳокимият, прокуратура органларига, тегишли банк муассасалари, иш берувчиларга расмий мурожаатлар, тақдимномалар киритилаётганлиги, аниқ талаблар қўйилаётганлиги, суд органларига даво аризалари киритилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада ёқилғи-энергетика ва агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма органлари фаоллик кўрсатмоқдалар.

Раёсат йиғилишида асосий эътибор Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажаришдаги камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларга қаратилди. Зеро, ҳали жойларда бу борада кўп иш қилиниши керак. Таҳлил шуни кўрсатдики, ўрганилган компания, уюшма ва корхоналарнинг деярли барчасида жорий йилнинг 1 ноябр ҳолатига иш ҳақидан кечиктирилган, яъни муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилган ва у бир, бир ярим ойни ташкил этади. Шунингдек, хўжалик органларининг дебиторлик қарзларини узиш борасидаги фаолияти ҳам талаб даражасида деб бўлмайди.

Қайд этилган тармоқлар тизимидаги қатор корхона, ташкилотлар ҳисоб рақамларида етарли маблағлар бўлишига қарамай, жойлардаги «Саноатқурилишбанки», «Пахтабанк», «Уйжойжамғармабанк» муассасалари томонидан нақд пул маблағларининг етишмаслиги сабаб қилиниб, иш ҳақи тўловлари учун маблағлар кечиктириб берилиши ҳоллари кузатилмоқда. Анжуман иштирокчилари айрим касаба уюшма қўмиталари томонидан жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини оширишда, иш ҳақи тўловларига оид масалаларга таъсир ўтказишда назорат ва талабчанлик сусайтириб юборилганлигини эътироф этдилар.

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар дастлабки самараларини бера бошлаганлигини ҳам эътироф этиш лозим. Масалан, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ўртасида 2001-2003 йиллар учун тузилган тармоқ келишувида томонлар иш ҳақи ва қонунда белгиланган бошқа тўловларни ўз вақтида бериб боришни таъминлашлари алоҳида қайд этилган. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси вилоят қўмиталари билан биргаликда маошдан қарздорликни тугатиш борасида ўтган йилнинг 10 ойи мобайнида иш берувчилар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, суд ҳамда прокуратурага қилинган мурожаатларга асосан тармоқ бўйича меҳнаткашларнинг 4845,7 миллион сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди. Долзарб муаммо бўйича жойларда ҳам иш берувчилар ва касаба уюшма органлари томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунинг натижасида Фарғона вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмасида йиғилиб қолган дебиторлик қарзларини ундириш бўйича сўнги 4 ой ичида суд органларига 10 та даво аризаси киритилди. Натижада 435 миллион сўм ундирилди. Лекин бирлашма бўйича ҳали бу борада камчиликлар, муаммолар етарли. Демак изчиллик, қатъиятлик, ҳамкорлик зарур.

Энди тўқимачилик саноати корхоналаридаги манзарага назар ташлайлик. «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компаниясининг буйруғи билан Вазирлар Маҳкамасининг 88-сонли қарорини қатъий бажариш бўйича корхоналар раҳбарлари, мутахассисларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари белгиланган. Шунга кўра ўтган йилнинг октябрида бўлиб ўтган Бошқарувнинг кенгайтирилган йиғилишида иш ҳақи миқдори оширилишини ва уни ўз вақтида тўланишини таъминламаган «Чиноз тўқимачи ЛТД», «Поп нотўқимачи», «Санам» корхоналари раҳбарларини вазифаларидан озод этиш бўйича таклиф маъқулланган.

Раёсат йиғилишида муаммоларни ҳал этишнинг йўл-йўриқлари хусусида қимматли таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, таъкидланганидек, тўқимачилик корхоналарида иш ҳақи тўловларидан қарздорликка йўл қўйилганлигининг асосий сабаблари – олинган кредитларни тўлаш ва дебитор қарзлар кўпайиши сабабли оғир молиявий аҳвол юзага келганлигидир.

Анжуман иштирокчилари нефтни қайта ишлаш саноати ва нефт газ қурилиш тармоқларидаги ҳолатни ишчанлик, талабчанлик вазиятида таҳлил қилдилар. Бу ерда ҳам катта миқдордаги дебитор қарзларининг мавжудлиги ойлик маош тўловларини вақтида амалга ошириш имконини бермаётир. Касаба уюшмалари билан ҳамкорликда вазиятдан чиқишга ҳаракат қилинаяпти. Хусусан, сабоқлардан хулоса чиқарган ҳолда «Ўзнефтниқайта-ишлаш» акционерлик

# ЁШЛАР МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***18 ёшга тўлмаган ёшлар билан меҳнат шартномаси тузиш ҳамда иш ва дам олиш вақти масалалари ҳақида қонун талаблари бўйича батафсил тушунтириш берсангиз.***

***14 ёшга кирган ёшларни ишга қабул қилиб бўладими, уларга иш ҳақи тўлаш қандай амалга оширилади ва нима асосида?***

**С.АБДУЛЛАЕВ,**
**Фиждувон тумани.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат Кодексининг 77-моддасига биноан меҳнатга лаёқатли шахс ўн олти ёшдан, ўн беш ёшга тўлган шахслар эса ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

1996 йилнинг 1 апрелидан бошлаб амалга киритилган Меҳнат Кодексига 15 ёшга тўлмаган мактаб ўқувчиларининг меҳнатлари тўғрисида қўшимчалар киритилган. Бу қўшимча вояга етмаганларни меҳнатга тайёрлаш, уларда касбга тайёргарлик кўникмаларини пайдо қилишга кенг имкониятлар яратди. Шу сабабли уларни касб танлашга йўналтириш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртларида турли касб ўргатиб борилади. Шунга мувофиқ меҳнат қонунчилигида 14 ёшга тўлган ўқувчиларнинг ҳамда ота ёки онасининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишдан бўш вақтида меҳнатга жалб қилиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бунда иш унинг ўқишига халақит бермаслиги, соғлигига тўғри келишлиги ва Қонунда белгиланган енгил вазифа бўлиши зарур. Иш берувчи ўқувчининг қайси вақтда ўқишда бўлишлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлиши керак.

Ўн саккиз ёшга тўлмаганлар меҳнат шартномасини тузиш олдидан паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (чунки паспорт ўн олти ёшга тўлган шахсларга ички ишлар бўлими томонидан берилади) ва турар жойидан ҳақиқатда шу манзилгоҳда истиқомат қилиши тўғрисидаги маълумотномани ходимлар билан ишловчи бўлимга тақдим қилиши шарт. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардан ташқари, ишга кираётганлар меҳнат дафтарчасини (агар биринчи маротаба ишга кираётган бўлса, ундан меҳнат дафтарчаси талаб қилинмайди), ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани тақдим этади.

Меҳнат Кодексининг 203-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қиладиган ишга қабул қилиниши ва меҳнат шартномасига қўшимча тарзда тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида махсус ёзма шартнома тузилиши мумкин эмас. Агар у тузилган бўлса, Меҳнат Кодексининг 5-моддаси асосида бу шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Меҳнат қонунчилигида ўн саккиз ёшга тўлмаганлар меҳнат шартномаси тузилишидан олдин тиббий кўрикдан ўтказилиши ҳамда уларнинг меҳнатидан соғлиги, хавфсизлиги, аҳлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ва оғир ишларда фойдаланиш мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат Кодексининг 214 ва 239-моддаларига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ишга қабул қилинишидан олдин ва меҳнат фаолияти давомида ҳар йили ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар тиббий кўрикдан ўтиб туриши шарт. Тиббий кўрикдан ўтиш учун муассаса томонидан йўлланма берилади ва унда ходимнинг бажарадиган иши тўғрисида маълумот, лавозими кўрсатилиши шарт. Йўлланмага мувофиқ шифокор уни шу ишига лойиқ ёки нолойиқлиги тўғрисидаги тиббий хулоса ёзиб бериши, иш берувчи эса тиббий хулоса асосида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг меҳнатидан фойдаланиши зарур.

Эслатиб ўтиш керакки, йўлланма асосида тиббий кўрикдан ўтишда ходимдан ҳеч қандай ҳақ олинмайди. Агар тиббий кўрик ўтказувчи муассаса хусусий бўлса ёки қонун асосида пуллик хизмат кўрсатадиган бўлса, тиббий кўрик билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар йўлланма берган муассаса томонидан қопланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг қонунларда белгилаб қўйилган меъёрлардан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди. Бу ишларнинг рўйхати 1996 йил 19 мартда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва 1996 йил 2 апрелда Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлиб, 1996 йил 28 майда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун амалдаги қонунга асосан тўлиқ иш ҳақи сақланган ҳолда қисқартирилган иш вақти жорий қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат Кодексининг 115-моддасига биноан ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Лекин ушбу кодекснинг 242-моддаси асосида 16 ёшгача бўлганлар учун ҳафтасига 24 соатдан, 16 дан 18 ёшгача — 36 соатдан ошмаган иш вақти белгиланиши зарур.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати тегишли ёшдаги ходимлар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ошиб кетмаслиги керак.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар қисқартирилган иш вақтида ишласаларда, уларга тўлиқ иш куни ҳисобида ҳақ тўланади. Лекин ўқувчи ёшларга ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки бажарган ишига қараб иш ҳақи берилади.

Меҳнат Кодексининг 245-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, 18 ёшга тўлмаган ходимлар тунги, иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш ва байрам кунларидаги ишларга умуман жалб қилинмайди.

Қонунчиликда вояга етмаган ходимлар учун меҳнат таътили ўттиз календар кундан иборат қилиб белгиланган ва меҳнат таътили улар истаган вақтда берилиши зарур. Жамоа шартномасида, муассасанинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда, уларга узайтирилган меҳнат таътили белгиланиши ҳам мумкин.

Мабодо ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан (Меҳнат Кодексининг 100-моддаси II қисмининг 1-4-бандлари) бекор қилинадиган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги олиниши шарт.

Муассасаларда ишлаётган ўн саккиз ёшга тўлмаган ёшлар камдан кам учрасада, лекин улар бор ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун мавжуд. Шундай экан, ҳар бир вояга етмаган ходим иш берувчининг ҳамда касаба уюшма фаолларининг назоратида бўлмоғи зарур.

# СУДНИНГ ҚАРОРИ АСОСИДА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ

**САВОЛ:** ***ходим суднинг қарори билан пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш ҳуқуқидан 2002 йилнинг январида икки йил муддатга маҳрум қилинган. У ҳозир рентген бўлимида мудир бўлиб ишлай оладими? Агар ишлаши мумкин бўлмаса, иш берувчи унга нисбатан қандай йўл тутиши мумкин?***

**Л.БОЙБЎСИНОВА, Нукус шаҳридан, тиббиёт ходими.**

**ЖАВОБ:** биринчи навбатда суднинг қарори билан атрофлича танишиб чиқилмоғи зарур. Агар ҳақиқатдан ҳам ходим пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, Меҳнат Кодексининг 176-моддасида белгиланганидек, унинг меҳнат вазифаларини, муассасадаги ички меҳнат тартиби қоидалари ва жамоа шартномасини батафсил ўрганиб чиқиш керак.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминлаш учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Ўн саккиз ёшга тўлган ходим билан ишга қабул қилиш пайтида ҳам, кейинчалик ҳам меҳнат шартномасига қўшимча тарзда тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида махсус ёзма шартнома тузилиши мумкин.

Мабодо ходим бундай ёзма шартнома тузишни рад этса, иш берувчи у билан меҳнат шартномаси тузмасликка ҳақли.

Меҳнат Кодексининг 203-моддасига асосан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Муассасаларда тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартномалар тузилиши мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажарадиган лавозимлар ҳамда ишларнинг рўйхатини тузишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳайъатининг 1996 йил 2 апрелдаги 2/4-сон қарори билан тасдиқланган намунавий рўйхатдан фойдаланиши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатлар (Меҳнат шартномаси, унинг меҳнат вазифалари, Ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномаси ва бошқалар) ўрганиб чиқилганда ходим пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса, у ўз ишини давом эттираверади ва унга нисбатан ҳеч қандай чора қўлланилмайди.

Агарда ходим пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиши ва у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузилган бўлса, унда Меҳнат Кодексининг 106-моддаси 3-бандига асосан суднинг қарори қонуний кучга кириши муносабати билан у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади. Шунингдек, шу асосда ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда ҳам меҳнат шартномаси бекор қилинади. Бу ҳолда касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олинмайди ҳамда қонунда бундай асосда ишдан бўшатилган ходимларга ишдан бўшатиш нафақаси компенсация тўлаш назарда тутилмаган.

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

# ҲАЛИМА НОСИРОВА

Миллий маданиятимиз ва санъатимиз оғир жудоликка учради. Ўзбек театр ва қўшиқчилик санъатининг буюк намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотлари соҳиби Ҳалима Носирова 2003 йил 2 январ куни 90 ёшида вафот этди.

Ҳалима Носирова ўзбек миллий операсининг асосчиларидан бири, ноёб овози билан «ўзбек булбули» деган юксак шуҳратга сазовор бўлган, маданиятимиз довруғини бутун дунёга тараннум этган, ўзининг бетакрор ижрочилик мактабини яратган улуғ санъаткор эди.

Ҳалима Носирова 1913 йили Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида туғилди. У 1924-27 йиллари Боку театр техникумида, 1934-37 йилларда Москва давлат консерваторияси қошидаги Ўзбек опера студиясида таълим олди. Ижодий фаолиятини 1927 йилда Ўзбек давлат намуна сайёр труппаси (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри)да актриса сифатида бошлади. 1929-39 йилларда Ўзбек давлат мусиқали театри, 1939 йилдан эътиборан эса Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик опера ва балет катта театрида меҳнат қилди.

Ҳалима Носировонинг мусиқали драма театри соҳасидаги улкан хизматлари миллий опера ижрочилигининг шаклланишида беқиёс аҳамият касб этди. У жаҳон мумтоз опералари билан бир қаторда ўзбек композиторлари асарлари асосида саҳналаштирилган спектаклларда ҳам кўплаб ранг-баранг образлар яратиб, халқимиз олқишига сазовор бўлди. Санъаткор талқинидаги Ширин ва Лайли, Зуҳра ва Гулсара, Дилором ва Ойхон каби ёркин образлар бадиий баркамоллиги, теран нафосати ва жозибаси билан нафақат ўзбек, балки жаҳон опера санъатининг ривожига ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Буюк санъаткоримиз ижросидаги «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ушшоқ» мақомлари, «Ўзганча», «Фиғон», «Гул юз узра», «Меҳнат аҳли», «Ўзбек қизи овози» сингари мумтоз қўшиқлар маданиятимизнинг олтин хазинасидан мустаҳкам жой олди.

Беназир истеъдод эгаси Ҳалима Носировонинг санъат ва маданиятимиз равнақи йўлидаги хизматлари муносиб баҳоланди. У «Ўзбекистон халқ артисти» унвони, Давлат мукофотлари, «Дўстлик» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирланган эди.

Тошкент Давлат санъат институтида кўп йиллар самарали фаолият олиб борган профессор Ҳалима Носирова меҳрибон мураббий сифатида юзлаб ёш истеъдодларни тарбиялади, ўзбек миллий опера ва қўшиқчилик санъати намояндаларининг бир неча авлоди вояга етишига муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбек халқининг ардоқли фарзанди, устоз санъаткор, ажойиб инсон Ҳалима Носировонинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ў.СУЛТОНОВ, Ҳ.КАРОМАТОВ, Т.ХУДАЙБЕРГЕНОВ, Х.СУЛТОНОВ, Б.ҚУРБОНОВ, А.ОРИПОВ, Р.АБДУЛЛАЕВ, С.ҚОБУЛОВА, Г.ИЗМАЙЛОВА, М.РАЗЗОҚОВА.**

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида мамлакат Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш жараёнида армиямиз учун малакали кадрлар етиштириш муҳим масала экани таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва жанговар санъат махсус синфлари ташкил этилгани ана шу масалани ижобий ҳал этишга қаратилган муҳим қадамлардан биридир.***

***Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА мухбири мазкур махсус синфларни очишдан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида «Жар» мажмуи бошлиғи Абдусалом ИСОХЎЖАЕВ билан суҳбатлашди.***

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР - АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ

- Мамлакатимизда келажак авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, - дейди А.Исохўжаев.- Бу борада Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби муҳим ҳужжатларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани фикримизга яққол далил бўла олади. Биз ҳам фарзандларимизнинг келажаги йўлида, ана шу ҳаётий дастурларга амал қилган ҳолда, «Жар»да ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва жанговар санъат махсус синфларини очдик.

Бундай махсус синфларни очиш таклифи Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланган, пойтахтимиздаги 38-мактаб биносининг бир қисмини замон талаблари даражасида таъмирладик. Очилган янги синфларда лингафон, компьютер хоналарини янги техника билан жиҳозладик. Зарур шарт-шароит ҳозирлангач, болаларни синов асосида ўқишга қабул қилдик.

Дастлабки йили махсус синфларга Тошкент шаҳри ва вилоятидан 347 бола ҳужжат топширди. Бироқ болаларнинг жисмоний имкониятлари, соғлиғини текшириш учун «Жар»даги замонавий технологиялар билан жиҳозланган тиббий-диагностика соғломлаштириш марказида 41 ўқувчи тиббий кўрикдан ўтолмади. Сараланганлари она тили ва адабиёт, математика ҳамда психологиядан тест, жисмоний тарбиядан нормативлар топширди. Натижада 50 ўқувчи 5-синфга, яна шунчаси 6-синфга қабул қилинди.

**- Курсантларнинг таълим олиши учун қандай шарт-шароит мавжуд ва ўқув жараёни қандай ташкил этилган?**

- Курсантларга ёзги, қишки мавсумда ва байрамларда кийиладиган махсус кийимлар - униформалар берилган. Улар ётоқхона ва беш маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Ўқув жараёнига келсак, болаларнинг кун тартиби эрталабки бадантарбия билан бошланади. Кейин тушликкача ўқиш. Бунда улар умумий ўрта таълим дастурига киритилган фанлардан ташқари, юриспруденция, ҳарбий дипломатия, бошланғич жанговар ҳарбий тайёргарлик, фалсафа, чет тилларини ҳам ўзлаштиришлари лозим. Дарслар якунлангач, курсантларимиз қўл жанги, дзюдо, кураш ва сузиш машғулотларида қатнашиш учун «Жар»даги спорт заллари, сув ҳавзаси, тренажёр хоналарига келади. Албатта, буларнинг барчаси ҳам маънан, ҳам жисмонан ривожланиш бўсағасида турган фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим омилдир.

**- Махсус синфларда таҳсил олган болаларнинг истиқболи қандай бўлади?**

- Бу ерда умумий ўрта таълим ва махсус дастурлар бўйича етти йил ўқиган, жисмоний тарбия, спорт билан мунтазам шуғулланган болалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидаги ҳарбий таълим муассасаларига ҳамда ҳуқуқшунослик, ҳарбий кафедраси бўлган бошқа олий ўқув юртларига кириши мумкин.

Битирувчиларимиз ўз тенгдошлари қатори умумий ўрта таълим дастуридаги фанларни ўзлаштириш билан бирга ҳарбий дипломатия, юриспруденция, психология, фалсафани мукаммал биладиган тайёр кадр бўлиб етишади. Бундай кадрларга ҳозирги кунда эҳтиёж катта. Чунки ҳали мамлакатимизда ҳарбий дипломатия бўйича мутахассис тайёрлаш бошқа ўқув муассасаларида йўлга қўйилмаган.

**ЎзА мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, суҳбатлашди.**

## *Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати йиғилишида*

# ҚАРЗДОРЛИК ечими нимада?

компанияси томонидан дебитор қарзлар билан ишлашга эътибор кучайтирилиб, ўтган йилнинг 9 ойи давомида хўжалик судлари орқали 5891,5 миллион сўмлик дебитор қарзлар ундирилди. Бироқ хотиржамланишга асло ўрин йўқ.

«Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси ҳамда ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ўртасида қабул қилинган буйруқ қарорлари билан тизим корхоналарида иш ҳақини натура шаклида тўланишини амалда тақиқлаш, иш ҳақи фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни таъминлаш топшириқлари берилган. Хўжалик раҳбарларининг иш ҳақи тўловлари учун шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида уларга моддий масъулият ва интизомий жазо чораларини қўллаш масаласи тармоқ келишувига қўшимча равишда киритилди. Эътиборлиси шуки, мазкур меъёрлар барча жамоа шартномаларида ўз аксини топган.

Раёсат йиғилишида уччала тармоқ раҳбарияти вакилларининг долзарб муаммони ҳал этиш борасида қандай ишлар амалга оширилаётганлиги борасидаги фикр-мулоҳазалари тингланди. Улар Раёсат аъзолари ва иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтардилар.

***Ойлик маошнинг вақтида берилмаслиги ишловчилар кайфиятига, пировард натижага салбий таъсир ўтказмоқда. Насияга кам ҳам ишларди. Бозор талаби қатъий. Бундай шароитда иш берувчилар, мутахассислар омилкор, ташаббускор, бир сўмни қаердан топиб, қаерга сарфлашни яхши биладиган, келажакни олдиндан кўра оладиган кишилар бўлиши керак. Анжуманда таъкидланганидек, масаланинг бир чети меҳнаткашлар ҳаққуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмаларининг жанговорлигига, унинг етакчиларининг ишчанлик фазилатларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳамкору ҳамжиҳатлик ҳар қачонгидан зарур.***

**М.ИЛЁСОВ.**

***Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" мажмуида болажонлар учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан уюштирилган байрам тадбири ўтказилмоқда.***

# УМИД ЮЛДУЗЛАРИ

Байрам тадбирида эстрада хонандалари, "Умид юлдузлари" фестивалининг лауреатлари, турли болалар гуруҳлари иштирок этаётир. Тадбирнинг яна бир ўзига хос жиҳати, болажонлар Қорбобо совғасига эга бўлиш билан бирга, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтказилаётган ўйин ғолибларига айланишлари мумкин. Берилаётган ҳар битта совғанинг ичида лотерея чиптаси мавжуд. Чипта 10 январ куни ўйналади. Совринга фотоаппаратлар, видео, аудио, сидеплейерлар ва компьютерлар қўйилган.

**"Туркистон-пресс"**

***Тўксон ёшга яқинлашаётган бўлса-да, тобора кучга тўлиб, Истиқлолдан илҳомланиб ижод қилаётган академик мусаввир Малик Набиев томонидан яратилган «Бобур» портрети ҳақида фалсафа фанлари номзоди Норсаид Ойдинов шундай дейди: «Буюк шоир, адиб, файласуф ва маданият арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур образининг тасвирланиши мусаввирнинг улкан ютуқларидан биридир. Бобур образини яратишга астойдил киришиб, ижодий изланган рассом Афғонистон, Ҳиндистон каби хорижий мамлакатларда сафарда бўлди. Бобур яшаган, ижод қилган, кезган жойларни ўз кўзи билан кўрди. Мусаввирнинг шоир шеърияти билан батафсил танишгани, унинг аччиқ ва сермазмун ҳаётини мукаммал ўрганганлигини Бобур сиймоси тўлақонли аксини топганини портрет воситасида ҳис этамиз.»***

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Футбол*

## ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ўзбекистон Футбол Федерациясида янги мавсум ўйинларига қуръа ташланди. Унга кўра миллий чемпионатимизнинг Олий лига жамоалари 18 март куни илк учрашувларини ўтказишади. Шу куни «Насаф» «Сурхон»ни, «Нефтчи» «Гулистон»ни қабул қилса, «Пахтакор» «Қўқон-1912», «Қизилқум» «Самарқанд-Динамо» меҳмони бўлади. Қолган учрашувлар эса қўйидаги жамоалар ўртасида кечади: «Бухоро» – «Цементчи», «Андижон» – «Дўстлик», «Трактор» – «Металлург», «Навбаҳор» – «Машъал».

*Портретдаги сиймо*

## «КЎПДАН БЕРИКИМ ЁРУ ДИЁРИМ ЙЎҚДИР»

Ҳақиқатдан ҳам мусаввирнинг мойбўёқларда матога акс эттирилган 1958, 1962, 1983 йиллардаги портретларига назар ташласак, улар, ранглар тобора сайқаллашиб, кишига завқ берадиган даражага етганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, 1962 йилги «Бобур» портретида тасвирга сингдирилган қуйидаги фикрлар мужассам: Бобур шоҳлик либосида, бироқ, одамийлик, камтарлик унинг қалб либоси. У ватандан йироқлашган. Соғинч бутун вужуди, қалбини ўртаб, турли ўй-хаёллар фикру зикрини қамраб олганига қарамай шоирлиги, шеърият устун унда. Портретдаги сиймо ташқи кўринишидан шоҳни эслатса-да, ҳиндлар аташгани каби қаландар - дарвешона кўринишда. Ғарибона, фақирона ҳиссиётлар оғушидаги буюк инсон, гўё дардли, аламли бир шеър ёзаётгандек, самимий кўринишда. Шунинг учун ҳам Малик Набиевнинг ушбу портрети жамоатчилик томонидан илиқ қарши олиниб, бир неча йилдан буён кўп нусхада чиқарилиб келинмоқда.

Республикамизда яшаб ижод қилаётган турли миллат вакиллари, жумладан, рус рассомлари ҳам Бобур ҳаётига қизиқиб, уни чуқур ўрганишга ҳаракат қилганлар. Улардан бири истеъдодли рассом А.Луневдир. У 1967 йилда «Бобур» портретини яратган. Санъатшунос олим Абдулҳай Умаров сақлаб келаётган мазкур портретдан олинган фототасвирни мураббий мусаввир Малик ака кўриб, аввалига унинг айрим камчиликларини кўрсатди. Сўнг: «Тасвир устасининг иши, ҳиндлар айтмоқчи дарвешона ёритилган. Шунинг учун ҳам қадрли» деди. Дарҳақиқат, суратдаги чизгиларда рус рассоми Бобур яшаган даврни пухта билганлиги шундоқ сезилиб турарди. Мутафаккир шоир кўринишида рўшнолик эмас, балки ғамгинлик, она юрт соғинчи ўзининг ажиб аксини топган. Қийиниш, бошидаги салла, унинг ўрамлари тасвири кишини ҳайратда қолдиради.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти ўқитувчиси.**

***Барча жойларда бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам «Президент арчаси» тадбирлари ўтказилмоқда. Унда кам даромадли, боқувчисини йўқотган ва ногирон болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозиргача ҳомий жамоалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан 2375 дона совғалар тайёрланиб, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар фарзандларига етказилди.***

*Бор бўл, оқибат!*

## БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Қасаба уюшмалари Жиззах вилоят Кенгаши ҳам бу хайрли тадбирда фаол қатнашмоқда. Кенгаш раҳбарияти ўз оталиғидаги вилоят заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатида бўлиб, 170 нафар болага Президент совғасини улашди.

– Янги йил арчаси байрам қувончлари болалар қалбида бир умрга муҳрланиб қоладиган бўлди, – дейди вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Аъзам Ихтиёров. – Қорбобо ва Қорқиз томонидан болажонларга совғалар топширилганида, уларнинг ҳаяжон ичидаги чақноқ кўзларидан буни ўқиб олиш қийин эмасди. Бундан ташқари махсус мактаб-интернат ҳисоб рақамига Янги йил тадбирлари учун 100 минг сўм пул маблағи ўтказилди.

Саккиз йилдирки, мазкур махсус мактаб-интернат касаба уюшмалари вилоят Кенгаши оталиғида бўлиб, болажонлар ҳолидан хабар олиб турилибди. Ўтган даврда ушбу маскан ошхонаси тўлиқ таъмирлаб берилди. Ҳар йили талабномага кўра 50-90 бола ёзги оромгоҳларда имтиёзли йўлланма билан таъминланади.

**А.АЗИМОВ.**

## ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Кимки дунёда ўз дўстлари борлигини билмас экан, дунё ҳам уни билиши шарт эмас.

**И.ГЁТЕ**

Дунёда дўстликдан афзалроқ ва ёқимлироқ ҳеч нарса йўқ; умрдан дўстликни ўчириб ташлаш дунёни қуёш нуридан маҳрум этиш билан баробар.

**ЦИЦЕРОН**

## ЯХШИЛИКНИ БИЛМАЙДИГАН ОДАМ

*Ҳажвия*

Собиржон бошлиқнинг хонасига кирганида, у ерда тўпланиб ўтирган ўн чоғли одамнинг нигоҳи бирданига унга қаратилди. Бошлиқ ҳам кўзойнаги остидан ғазабноқ тикилди-да, дўрилдоқ овоз билан гап бошлади:

– Ҳурматли жамоа! Бугунги йиғилишда кўриладиган масала битта: Собиржон Шокировнинг шахсий иши. Бошқа қўшимчалар йўқми?

Ҳеч кимдан садо чиқмагач, яна гапида давом этди.

– Шокиржоннинг хотинидан шикоят хати тушган. Шу хат билан сизларни касабақўмимиз раиси Ўлмасова таништиради.

– Хатда жуда кўп гаплар ёзилган, – чийиллаб гап бошлади Ўлмасова. – Мен сизларга асосий-асосий жойларини ўқиб бераман. Мана... «Эрим улфатчиликдан чиқиб қолаяпти, шекилли, – деб безовталаниб ёзади бечора. – Чойхонада ошни еб, арағ-парағини ичиб, секин судралиб келиш ўрнига ишдан чиқибоқ уйга югуради, улфатчиликлардан алламаҳалда қайтиб, уйларини зўрға топиб келган қўшниларимизнинг эшикни очмаётган хотинлари билан айтишувларини эшитиб бир ҳавасим келади, бирам ҳавасим келади. Бир куни ҳатто болаларнинг нафақа пулларини ўзим анчамунча тўплаб юрганимга қўшиб чўнтагига солиб тайинладим: «Бугун сал эркак кишига ўхшаб ичиб-нетиб келинг, дадаси. Қўшнилардан қаерингиз кам?»

Мана бугун бизни уйда ҳам бақир-чақир бўлар, мен ҳам бир юрагимни ёзиб овозимни кўтариб, қўни-қўшниларга эшиттириб қўяман, деб ўтирсам... яна эрта кунда кириб келдилар. Қўлтиғидаги ўроғлиқ нарсани менга узатиб:

– Аяжониси, сизга шиппак олиб келдим, – дейди тиржайиб. Башараси кўзимга бирам хунук кўриниб кетди. Уришиб бердим:

– Мен эрталаб сизни нима деб кузатувдим? Шиппакка бало бормиди? Нима, мен сизга ялангоёқ қопманми? Ахир, бир чиройлик эски калишингизни судраб турибман-ку!

Хўп, майли, уйга келсин. Лекин диванда чўзилиб газетами, журналми ўқиб ётаверсин. Ўқимаса ҳам тикилиб ётаверса бўлади-ку. Йўқ, қаёқда дейсиз. «Аяси сиз овқатга уринсангиз, мен болаларга қараб турай», деб қолади. Қўяверинг, сиз телевизор томоша қилинг ёки анави йўлагимиз олдидаги кишилар билан шоҳмот суришиб чиқинг, дейман. Қани энди кўнса. Ахир, атиги олтитагина болани бир ўзим эплаб оламан-ку! Мана каттаси еттига кириб қолди...»

Узундан-узоқ битилган хатда Собиржон ҳақида яна анча «нордон» гаплар ёзилган эди. Ўлмасова сўзини тугатиши биланоқ гапни бўлим бошлиғи Турдибоев илиб кетди.

– Шокировнинг шахсий иши айни ўз вақтида муҳокама қилиняпти. Мениям анчадан буён бу киши ҳақдаги гапларим тўпланиб қолувди. Энг биринчи камчилиги: ишга 15-20 дақиқа, баъзан ҳатто ярим соат илгари келади. Гоҳида иш вақти тугагандан кейин ҳам ишлайди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, ахир! Чора кўриш керак.

– Бу киши бизниям эътиборимиздан четда қолгани йўқ, – деб қўшимча қилди касаба уюшма қўмитаси раиси муовини Пардаев. – Сизнинг қаломатлигингиз бизга керак. Таътилда қаерда дам олмоқчисиз, бизга айтинг, йўлланмани тайёрлаб қўяйлик, дедик. Дам олишга вақт қаёқда, дейди. Албатта, бугунги мажлисдан хулоса чиқарса, бизга учрашса керак. Бўлмаса ўзидан кўрсин.

– Бу одам яхшиликни билмайдиганлардан экан, – деди бош ҳисобчи Бўриев. – Чойхоналарда кўринмай қолганига бефарқ қараб туролмадик. Серфарзанд, пул-мулдан қийналиброқ қолдимикан, деб бир ойлик иш ҳақи миқдорида ёрдам пули ёзиб қўйдик. Олишдан бош тортяпти.

Хуллас, шу куни Собиржоннинг ҳамма «камчиликларини» очиб ташлаб, роса пўстагини қоқишди. Унга бу галча огоҳлантириш бериш билан чекланишди.

Аммо Собиржон ўша-ўша. Ишга эрта келиб, кеч кетиб, елиб-югуриб ишлаб, дам олишу улфатчиликка вақт топмай, хотинининг хоҳишига қарши тўрва халтани тўлдириб уйга чопиб юрибди.

Ким билади дейсиз, бу аҳволда яна муҳокамага тушмаса.

**Ҳабиб СИДДИҚ.**

## Ним табассум

Одам тўла автобусга бир киши чиқишга урина бошлади.

– Э, инсоф борми сизда, қаёққа тиқиляпсиз?

– Мен... шу автобуснинг ҳайдовчисиман.

* * *

Икки дўст суҳбатидан:

– Валижон, юз йил сен учун нима?

– О, бир лаҳза ҳолос.

– Юз долларчи?

– Бир чақа.

– Бўлмаса, менга бир чақа бер.

– Бажонидил. Бир лаҳза кутиб тур.

* * *

– Ие, ишларингни ўзинг машинкада кўчиряпсанми? Котибанг бор эди, шекилли?

– Ҳа, бор эди. Ҳозир унга уйланганман.

**Тўпловчи:**
**Мансур ЮНУС.**

*Турфа олам*

## ШАМПАН ВИНОСИ бунчалик кўп сотилмаган эди

Бутун дунё бўйлаб янги йил шодиёналари давом этмоқда. Жаҳон халқларининг севимли байрами бўлмиш Янги йилни ҳар бир халқ ўзига хос тарзда кутиб олади. Бироқ барча мамлакатларда бирдек кузатилган воқеа шу бўлдики, аксарият одамлар 2003 йилга шампан виноси ҳамроҳлигида кириб борди.

Шампан виноси савдоси айнан Янги йил ҳамда Рождество байрамлари олдидан авжига чиқди. Буюк Британиялик мутахассисларнинг айтишича, сўнгги икки йил ичида бутун дунёда шампан виноси бунчалик кўп сотилмаган эди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2002 йилда жаҳонда умумий ҳисобда 285 миллион дона шампан виноси сотилган. Буюк Британияда ушбу вино истеъмоли 25 фоизга, АҚШда 30, Францияда эса 14 фоизга кўпайган. Одамлар бошқа спиртли ичимликларга нисбатан шампан виносини маъқул кўрмоқда.

Франциянинг Шампан вилоятида тайёрланадиган вино тарихи 1650 йилга бориб тақалади. 18 асрга келиб шампан виноси Европа бўйлаб тарқалади. Асл винони тайёрлаш жараёни мураккаб бўлгани учун қимматроқ туради. Вино таркибида 11-12 фоиз спирт бўлади. Шу сабабли тантаналарда кучли спиртланган ичимликларга қараганда кўпроқ ушбу вино истеъмол қилинади.

Россия, Испания, Италия ва Германия жаҳон бозорини шампан виноси билан таъминловчи йирик ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади. Агар вино савдоси шу зайлда жадал давом этса, уч йил ичида талаб таклифдан ортиб кетиши мумкин, демоқда иқтисодчилар. Маҳсулот танқислиги натижасида эса шампан виносининг нархи кескин кўтарилиб кетиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мутахассисларнинг айтишича, вино савдоси иқтисодий юксалиш ёки инқироз даврларига боғлиқ. Давлатларда иқтисодиёт ижобий ривожланса, винони пуллаш осон бўлади. Айниқса, байрамлар арафасида шампанга талаб ортади.

**(ЎзА).**



## КРОССВОРД

Диоганал бўйича: 1.Мусиқали саҳна асари. 2.Спорт ўйини. 3.Таниқли ўзбек боксчиси. 4.Тиниқ, шаффоф .5.Жуда паст,йўғон мусиқий овоз. 6.Олий табақа футбол командаси. 7.Атоқли ўзбек театри режиссёри-,актер. 8.Хоразм мақоми 9.Ҳомийлик. 10.Билим соҳиби. 11.Ижодкор аёл. 12.Балиқ тури. 13.Тасма. 14.Абдулла Қаҳҳор ҳикояси. 15.Мўйна тури. 16.Ширинлик. 17.Қуёшни ўз ичига оладиган сайёралар тизими. 18.Дон экини. 19.Муносабат. 20.Коинот. 21.Насрий асар. 22.Темир йўл техникаси.23.Гул тури. 24.Африкадаги давлат. 25. Ҳаққонийлик. 26.Учбурчак шаклидаги уч торли миллий мусиқа асбоби. 27.Табрик. 28.Бирор нарсадан қолган белги. 29.Маъмурий ҳудуд. 30.Иштаҳа очувчи узум маҳсули.

**МУАММОНОМА**

Аввало қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1.Ирсият ва организмнинг ўзгарувчанлигини ўрганувчи фан- 17,14,12,14,7,2,8.3.

2.Илоҳият илми- 11,2,4,13,3.Тилнинг шеваларини ўз ичига олган гуруҳи- 1,3,13,18,3.

4.Чидам, бардош- 21,3,19.20.

5.Ип ўрами- 9,3,1,7,3,8.

6.Сопол идиш- 10,5,6.

7.Ер ости суви манбаини ечинг улардан таниқли ўзбек шоири ва адиби Хожа меросига мансуб икки мисра ҳикмат аён бўлади.

15,3,16,6,3.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич жавобларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани тузди.

**ФОЗИЛЖОН ОРИПОВ**

### ГАЗЕТАНИНГ 28-ДЕКАБР — 1-ЯНВАР СОНЛАРИДАГИ КРОССВОРД ВА ЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**ЭНИГА:** 7.«Насаф». 8.Финал. 9.Лапар. 10.«Дамас». 11.Содиқ. 12.Қомус. 19.Динор. 20.Равоқ. 21.Кудуқ. 22.Полиз. 23.Замин. 24.Наҳор. 31.Ротор. 32.Румин. 33.Намоз. 34.Ҳилол. 35.Лаққа. 36.Автол.

**БЎЙИГА:** 1.Саман. 2.Шафақ. 3.«Чинор». 4.Патир. 5.Қанот. 6.Капур. 13.Нишон. 14.Қолип. 15.Работ. 16.Розий. 17.Туман. 18.Рубоб. 25.Норин. 26.Попов. 27.Тугал. 28.Йилқи. 29.Нарва. 30.Бозор.

* * *

1.Қўй. 2.Йилнома. 3.Аляска. 4.Ашула. 5.Арча. 6.Аср. 7.Роналдо. 8. «Оромижон». 9.«Наво». 10.Обод. 11.Дақиқа. 12.Азм. 13.Маҳалла. 14.Армуғон. 15.Нон. 16.Нафосат. 17.Тошкент. 18.Тинчлик. 19.Кўрк. 20.Кабиса. 21.Адолат. 22.Тақвим. 23.Мурувват. 24.Токио. 25.Олқиш. 26.Шом. 27.Мучал. 28.«Лазги». 29.Инсоният. 30.Табрик. 31.Китоб. 32.Баҳор. 33.«Реал». 34.Латифа. 35.Аёз. 36.Завқ. 37.Қорбобо. 38.Ой. 39.Йўл. 40.Лаёқат. 41.Туркистон. 42.Нотиқ.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят қўмиталари Жиззах вилоят касаба уюшма қўмитаси раиси Комилжон Хақбердиевга падари бузруквори

**ХУДОЙБЕРДИ ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши вилоят енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Комилжон Хақбердиевга падари бузруквори

**ХУДОЙБЕРДИ ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси енгил саноат фахрийси

**ФАРИДА АСҚАРОВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Навоий вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг раиси Марзия Қўлдошевага падари бузруквори

**ИСРОИЛ ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 019. 1 2 3 4 5 6